

МЎЪЖИЗАВИЙ КАМАЛАК

Раджабова Малика Бобоқуловна
Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт
университети ўқитувчиси
samirajaxongirovn@gmail.com

Аннотация. Ҳаётини муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган гомеостаз нормал кечиши учун организмга ташқи ва ички муҳит тўғрисидаги ахборотни келиб туриши зарур. Бу ахборотларни марказий асаб тизимида анализаторлар етказиб беради. Кўрув сенсор тизими бошқа анализаторлар орасида муҳим ўрин тутди. Кўзнинг камалак парда кўзи турли эндо ва экзоген омиллардан ҳимоя қилади. У кўздаги ортича кўз ёши суюқликларни чиқариб, кўзи турли шишлардан сақлайди. Камалак парда нафақат инсон кўзининг турли туман рангда бўлишини таъминлаш балки инсон организмида кечаётган физиологик жараёнлар ҳақида ҳам маълумот беради. Камалак парда ва ундаги пигментли ҳужайраларни фаолияти ирсиятга боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: гомеостаз, анализаторлар, камалак парда, эндоген, экзоген, тизим, секреция, пигментли, ген, организм, маълумот, шарсимон.

Аннотация. Для того чтобы гомеостаз, который является одним из жизненно важных показателей, был в норме, организму необходимо получать информацию о внешней и внутренней среде. Анализаторы доставляют эту информацию в центральную нервную систему. Сенсорная система зрения занимает важное место среди других анализаторов. Радужная оболочка глаза защищает глаз от различных эндо- и экзогенных факторов. Он удаляет излишки слезной жидкости из глаза и защищает глаз от различных отеков. Радужка не только придает человеческому глазу разные цвета, но и дает информацию о физиологических процессах, происходящих в организме человека. Приведены сведения о наследственности активности радужной оболочки и ее пигментных клеток.

Ключевые слова: гомеостазанализаторы, радужная оболочка, эндогенный, экзогенный, система, секреция, пигментированный, ген, организм, информация, сферический

Abstract. In order for homeostasis, which is one of the vital indicators, to be normal, the body needs to receive information about the external and internal environment. Analyzers deliver this information to the central nervous system. The sensory vision system occupies an important place among other analyzers. The iris of the eye protects the eye from various endo- and exogenous factors. It removes excess tear fluid from the eye and protects the eye from various swelling. The iris not only gives the human eye different colors, but also provides information about the physiological processes occurring in the human body. Information is provided on the heredity of the activity of the iris and its pigment cells.

Key words: homeostasis, analyzers, iris, endogenous, exogenous, system, secretion, pigmented, gene, organism, information, spherical.

Кириш. Одам учун ташқи муҳит ҳолати ва ўзгаришлари ҳақида мунтазам ахборот қабул қилиш, бу ахборотни қайта ишлаш ва унинг асосида бўлажак фаолият режаси ва дастурларини тузиш зарурий шартларидан биридир. Организмга ташқи ва ички муҳит тўғрисидаги ахборотни келиб туриши ҳаётий муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган гомеостазни таъминлаб туриш учун зарур. Бу ахборотларни марказий асаб тизимида анализаторлар етказиб беради. Кўрув сенсор тизими бошқа анализаторлар орасида муҳим ўрин тутди. Бу тизим миёга ташқи муҳитдан олинadиган ахборотларнинг 90% ини етказди.

Кўз инсонга ином этилган буюк тухфа – кўриш қобилиятини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Кўзимиз энг ноёб ва ўта нозик аъзо бўлиб, унинг ёрдамида ўқиймиз, ёзамиз, компьютер қаршисида ўтириб ишлаймиз, телевизор кўрамиз, саёҳат қиламиз, бошқа мамлакатлар ва уларнинг маданиятини турли расм ва кўрсатувлар орқали таниймиз.

Кўз шарсимон бўлиб, ташқаридан унинг оқсилли, шохсимон, камалак пардалари ва шиллиқ пардаси кўриниб туради. Кўз олмасини ташқаридан фиброз парда ўраган бўлиб, унинг олдинги тиниқ қисми сферик юзага эга ва шох парда дейилади. Шох парданинг эпителий ва эндотелийси орқали натрий, калий, хлор ионлари яхши сурилади ва бу ионларни шох парда кўз ёши суюқлиги ва кўз олдинги камерасининг суюқлигига чиқаради. Шох парда гидрофиллик қобилиятига эга бўлганлиги сабабли қонъюгатива халтасига томизилган дорилар учун юксак ўтказувчандир. Фиброз парданинг қолган қисмини оқсилли парда ташкил этади ва у химоя вазифасини бажаради.

Кўзнинг ўртанчи томирли пардаси кўзни озиклантириб туради ва қон томирларга бой. У уч қисм: томирли парданинг хусусий қисми, киприкли тана ва камалак пардадан иборат. Киприкли тана қон томирлари билан биргаликда кўз суюқлигини ҳосил қилиб туради. Камалак парда кўзни турли эндо ва экзоген омиллардан химоя қилади. Камалак парда кўздаги ортича кўз ёши суюқликларни чиқариб, кўзни турли шишлардан сақлайди. Масалан, кўз ёши суюқлигининг секрецияси ошганда, камалак парда орқага ҳаракатланади, натижада олдинги камера бироз қийшайиб, кўз ёши суюқлигини чиқиши жадалашади.

Ҳаммамиз ҳаётимизда кўплаб инсон кўзининг ранги қора, жигарранг, кўк, яшил ва ҳоказо эканлигига гувоҳмиз. Камалак пардада кўзнинг рангини аниқлаб турувчи пигментли хужайралар бўлиб, улар инсон кўзининг турли туман рангда бўлишини таъминлайди. Масалан: камалак пардада пигментли хужайралар юпқа бўлиб жойлашган бўлса, ранг берувчи модда кам бўлади. Натижада кўзнинг ранги оч кўк, кўкимтир, кўм-кўк, баъзи ҳолларда яшил ҳам бўлади. Жигар рангли кўзда ранг берувчи модда кўп, пигментли хужай- ралар қалин бўлади. Қора рангли кўзда пигментли хужайралар зич жой-лашган ва ҳаддан ташқари кўп бўлади. Шунингдек, камалак парда ва ундаги пигментли хужайраларни фао-лияти ирсиятга боғлиқ. Организмдаги

ҳар қандай ирсий белги ген билан аниқланади. Шу билан бирга ҳар бир ген кўп белгига таъсир этади. Камалак пардани ранги ва пигментларнинг шаклланишига 3 та (А,В,С) ген жавобгар ҳисобланади. А ген камалак парданинг олдинги тўсиғини тузилишини аниқласа, В ген камалак пардани орқа тўсиғидаги пигментларни аниқлайди. С ген эса стромадаги пигментлар билан бевосита боғланган.¹

Мавзуга оид адабиётлар тахлили. Янги туғилган болаларда кўзни камалак пардаси оч кўк рангда бўлиб, бола ўсган сари камалак парда муайян бир рангга киради. Ёши улуг инсонларда шунингдек, сурункали оғир касалликларни бошидан кечирган беморларда эса камалак парда нурсизлана бошлайди. Камалак парда рангининг нурсиз бўлиши пигмент қаватнинг ҳолдан тойганлиги ва камалак пардадаги бириктирувчи толали структураларнинг бузилишидан далолат беради

Камалак пардадаги сийрак бириктирувчи толалар организмнинг заифлашганлиги ва турли ноқулай шароитларга чидамлилик пасайганда кузатилади. Зич бириктирувчи толалар эса ички органлар фаолияти ва инсон турмуш тарзининг яхшилигини ифодалайди. Агарда организм токсин моддалар билан тўлган бўлса ва моддалар алмашинувининг бузилиш белгилари бўлса, у ҳолда камалак пардада ялтирроқ доғлар ёки нуталар, пушти ёки жигар рангли чизиклар ва ҳоллар пайдо бўлади. Бош айланиши ва умумий чарчоқликда кўзда қуёш нурига ўхшаб қора радиал чизиклар пайдо бўлиши кузатилади

Организмдан юқоридаги ҳолатлар бартараф этилса, бу нуталар ва қора радиал чизикли нурлар йўқолади. Соғлом одамларда камалак пардада акс этган расмлар инсон ҳаёти давомида (агарда травма ва жарроҳлик амалиёти бажарилмаган бўлса) ўзгармайди. Айниқса, илк ёшлик ва ўн икки ёшгача бўлган даврда организмдаги заиф органлар тизимининг белги ва хусусият-

¹ Бельшкін Д.В. О некоторых возможностях иридоотерапии // Материалы I всесоюзной конференции иридологов. М., 1990. С. 27-29.

лари камалак пардага ўз аксини топган. Шу билан бирга ривожланиш даврининг аномалияларини ҳам камалак пардада кўриш мумкин экан. Бу эса муҳим клиник аҳамият касб этади. Демак, илк ёшдан бошлаб организмда кузатиладиган касалликларни олдини олиш имконияти мавжуд

Венгриялик олим Игнасе Пексенининг таъкидлагандек “Кўзнафақат кўнгил ойнаси, балки тананинг ойнаси ҳамдир“. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўз нафақат ташқи муҳитни кўра олишимиздек мураккаб вазифани бажаради, балки танамизда кечаётган жараёнлар ҳақида ҳам маълумот беради. Бундан кўринадики, кўзимизнинг камалак пардаси организмдаги турли органларда бошланаётган ёки кечаётган касалликларни ҳам ўзида акс эттирар экан

Демак, камалак пардада акс этган расмлар шаклига қараб турли туман касалликларни аниқлаш мумкин. Буни қатор олимлар томонидан олиб борилган кузатишлар кўрсатади. Масалан: Цимон камалак пардада акс этган расмнинг шаклига қараб буйрак касалликларни аниқлаган.

Тадқиқот методологияси. Кўз камалак пардасининг ранги кузатиш усули ёрдамида аниқланди. Қон гуруҳлари лаборатория шароитида аниқланди.

Натижа ва таҳлиллар.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, кўзининг камалак пардаси турли рангда (қора ранг, жигар ранг ва кўк ранг) бўлган табиий фанлар кафедрасининг 19-24 ёшли, 27 та талабасида 2022 -2023 йилларда тажриба олиб борилди. Текширилувчиларнинг барчасида кўз камалак пардасининг ранги оддий усулда аниқланди. Кўзининг камалак парда рангига қараб талабалар 3 та (қора ранг, жигар ранг ва кўк ранг) гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳда 9 тадан талаба мавжуд.²

Адабиётлар шарҳидан маълумки, кўзнинг рангини белгилайди камалак парда организмдаги турли органларда бошланаётган ёки кечаётган

² Бойкова Н. Н. Офтальмология. М.: РИОР, 2007. 320 с

касалликларни ўзида акс еттиради. Шундан келиб чиқиб, ишнинг мақсади Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлимли шароитида камалак парда рангининг организмдаги физиологик функцияларнинг ҳолатига қай даражада белгилашини тажрибада ўрганиш.

Биз камалак парда рангини кузатиш усули ёрдамида, қон гуруҳларини лаборатория шароитида аниқл Олинган барча маълумотлар математик йўл билан статистик қайта ишланди ва хатоликлари аниқланди.

Олиб борилган тажрибаларнинг натижаларига кўра, кўзининг камалак пардаси жигар ранг бўлган талабаларнинг қон гуруҳлари биринчи гуруҳга ва кўзининг камалак пардаси кўк ранг бўлган талабаларнинг қон гуруҳлари эса иккинчи гуруҳга мансуб эканлигини кузатдик (1- жадвал).

Кўздаги камалак парданинг рангига қараб қон гуруҳининг тақсимланиши

№	Кўздаги камалак парданинг ранги	Қоннинг гуруҳлари		
		I-гуруҳ	II-гуруҳ	III-гуруҳ
1	Кўк ранг	+	-	-
2	Жигар ранг	-	+	-
3	Қора ранг	+	+	+

Кўзининг камалак пардаси қора рангли бўлган талабаларнинг қон гуруҳлари аниқланганда биз жуда ҳам қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Кўзининг камалак пардаси қора рангли бўлган талабаларда уччала қон гуруҳи (биринчи, иккинчи ва учунчи гуруҳи)нинг борлиги аниқланди.

Хулоса.

Камалак парда ва ундаги пигментли хужайраларни фаолияти ирсиятга боғлиқ. Бизга маълумки, организмдаги ҳар қандай ирсий белги ген билан аниқланади. Шу билан бирга ҳар бир ген кўп белгига таъсир этади. Камалак пардани ранги ва пигментларнинг шаклланишига 3 та (А,В,С) ген жавобгар ҳисобланади. А ген камалак парданинг олдинги тўсиғини тузилишини

аниқласа, В ген камалак пардани орқа тўсиғидаги пигментларни аниқлайди. С ген эса стромадаги пигментлар билан бевосита боғланган.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, камалак парда ва ундаги пигментли ҳужайраларни фаолияти таъминлайдиган ирсий белги генга боғлиқ. В ва С генлар камалак пардадаги пигментлар фаолиятини бевосита бошқаради. Ҳар бир ген кўп белгига таъсир этади. Камалак пардани ранги, пигментларнинг шаклланишига ва у билан боғлиқ бўлган физиологик ҳолатларга В ва С ген жавобгар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бельшкін Д.В. О некоторых возможностях иридогенетики // Материалы I всесоюзной конференции иридологов. М., 1990. С. 27-29.
2. Бойкова Н. Н. Офтальмология. М.: РИОР, 2007. 320 с.
- Вельховер Е.С. Введение в иридологию. - М.: Медицина, 1991. Гонский И.Я., Нейко В.Е., Продеус
3. Иридогенетический подход для рациональной иммуномодуляции // Укр. гомеопатический ежегодник. 2005. Т.8. С.143.
4. Дорофеева Анна Алексеевна, Негашева Марина Анатольевна. Современное состояние исследований радужной оболочки глаза в антропологии // Вестник Московского университета. Серия 23. Антропология. - 2010.- № 1. - С. 4-21.
5. Komilova B.O. Shodiyeva M. Sh. Physiological and Psychological Characteristics of the students depending on the color of eye iris Medicine and medical Sciences 2020, 10 (2). 121-123
6. Комилова Б.О., Сафарова З.Т., Жабборов Физиологическая и психологическая характеристика с.